

**ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ
ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ:
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ
АМАЛДА**

**мавзусидаги халқаро илмий конференция
МАТЕРИАЛЛАРИ**

MATERIALS

of the international scientific conference

**THE EDUCATION SYSTEM IN UZBEKISTAN
AND PERSPECTIVES FOR ITS DEVELOPMENT:
NATIONAL PROGRAMME OF PERSONNEL
TRAINING IN PRACTICE**



MIRZO ULUGBEK

1394 - 1449

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 6-жилд.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 1- жилд. – 364 б.
3. Ахроров Ю.А. Педагогик маҳорат (ўқув кўлланма). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2004. – 112 б.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИ ФАНЛАРАРО БЕРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

*Н.Исақулова,
ЎМКХТТКМО ВА ЎҚТИ, Ўзбекистон*

Резюме

В статье рассматриваются теоритико-практические проблемы межпредметного экологического воспитания учащихся в процессе непрерывного образования. А также даются концептуальные функции и основные направления экологического воспитания.

Summary

The article discusses the Theoretical and practical problem between subjects ecological education of the continuous educational process. Also, given the conceptual functions and the basic directions of ecological education.

Экологик тарбия тарбиянинг бир жиҳати бўлиб, узлуксиз таълим тизимининг барча боскичларида фанлар негизида ўрганилади. Мазкур жараёнда экологик тарбияни маълум вақт оралиғида шакллантириб бўлмайди. Экологик тарбия инсоннинг умри жараёнида олиб борилади. Шунингдек, экологик тарбияни фанлараро бериш тарбиянинг самарадорлигини оширади. Экологик тарбияни узлуксиз таълимнинг умумий ўрта таълим ва педагогика коллежининг “Бошланғич таълим” йўналишида фанлараро беришни куйидагича олиб бериш тавсия этилади.

Экологик тарбияни фанлараро алоқадорликда беришнинг ўз навбатида икки хил хусусияти мавжуд. Яъни бир мақсадга қаратилгани ҳамда ўзаро боғлиқлигига эга. Бир мақсадга қаратилгани – фанлараро экологик таълимни ўзида мужассамлаштирилган ҳолда мавзуларни фанлараро ўрганиш. Ўзаро боғлиқлиги эса фанлараро боғлиқда экологик тарбияни экологик таълим билан боғлаш. Фанлараро экологик тарбияни беришнинг таркибий қисмлари маънавий, ҳуқуқий, коммуникацион ҳамда ахборотлаштиришдан иборат. *Маънавий жиҳатдан* таркибий қисми – экологик тарбиянинг маънавий маърифий жиҳатлари билан қуроллантириш. *Ҳуқуқий жиҳатдан* таркиби – экология соҳасидаги ҳуқуқ муаммоларини ўрганиш. *Коммуникацион таркиби* – экологик тарбияни фанлараро учун алоқа воситасида фойдаланиш. *Ахборотлаштириш таркиби* – экологияга оид муаммолар билан қуроллантириш.

Юқорида қайд этилган ўқувчиларга фанлараро экологик тарбияни беришнинг концептуал муаммоларини таҳлил этамиз.

Экологик тарбияни фанлараро беришнинг назарий муаммолари таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбияни беришнинг қуйидаги концептуал функцияларини бажаришдан иборат:

1. Экологик таълимий функцияси.
2. Экологик тарбиявий функцияси.

Экологик таълимий функцияси – таълим жараёнида ўқувчиларнинг экологияга оид билимларини шакллантиришдан иборат. Ўқувчиларнинг экологияга оид билимларини фанлараро алоқадорликда такомиллаштирилади. Экологияга оид билимларни ўқувчилар таълим жараёнида фанлараро ўрганадилар, мустаҳкамлайдилар ҳамда такрорлайдилар. Шу сабабли фанлараро экологик тарбия беришда экологик таълимий функция энг муҳим экологияга оид билимлар, масалаларни ечиш, ахборот ва янги билимларни тўплашга, ўқувчининг экологик билимини оширишга имкон яратади. Мазкур билимлар асосида ўқувчида кўникмалар пайдо бўлади. Экологияга оид билим ва кўникмалар дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда ўзлаштирилади. Яъни оғзаки ва ёзма ишлар жараёнида, янги мавзу баёнида, ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш, мустақил ишларни бажариш ва х.к.ларда.

Экологик тарбиявий функцияси табиат муҳофазаси, табиатдан фойдаланиш ва кўриқлаш, сув, ҳаво, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами, фойдали қазилмалардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш каби тарбиявий тасаввурларни шаклланиши, табиатда, синфда ҳамда жамоат жойларда ўзини тутиш қоидаларига амал қилишларини таркиб топтиришдан иборат. Таълим жараёнида табиатнинг бир бўлаги инсон табиат-инсон-жамият алоқадорлиги ҳам эътиборга олинади. Тарбияловчи омил энг аввало таълим мазмуни фанлараро алоқадорлигида тарбиявий хислатлари жараёнида амалга оширилади. Экологик тарбия таълим жараёнида ўқитиш методлари асосида экологик таълим билан биргаликда ўқувчиларга фанлараро берилади.

Экологик тарбияни фанлараро беришнинг амалий муаммолар фанлараро экологик тарбияни объект, восита ҳамда натижалар асосида олиб борилади. Объект асосидаги экологик тарбия узлуксиз таълимнинг бошланғич ҳамда педагогика коллежининг “Бошланғич таълим” йўналишидаги ўқувчилари ҳамда ўқитувчи муносабатида олиб борилади. Восита асосидаги экологик тарбия экологик тарбияни таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда фанлараро берилади. Натижалар асосидаги экологик тарбия ўқувчиларнинг фанлараро билимлари натижасида ўтказилади. Узлуксиз таълим тизим ўқувчиларига фанлараро экологик тарбия беришнинг асосий йўналишлари: Биринчидан, ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш концепциясини ишлаб чиқиш.

Иккинчидан, мазкур концепция асосида бошланғич, умумий ҳамда касб-хунар таълими узвийлигини таъминлаш.

Учинчидан, илмий-амалий, назарий, ташкилий-методик материаллар ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш.

Тўртинчидан, бугунги куннинг экологик аҳволи тўғрисидаги маълумотларни ўқувчиларга татбиқ этиш.

Юқоридаги йўналишларни амалга оширишда қуйидагиларни ишлаб чиқиш лозим: Ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш орқали ўқувчиларнинг экологик саводхонлигини ошириш. Фанлараро экологик тарбия бериш учун намунавий материаллар пакетини синфлараро ҳамда фанлараро ишлаб чиқиш. Фанлараро усулларни топиш ва илмий тадқиқот жараёнида синаб кўриш. Экологияга оид маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш, буларга оид маълумот тўпларини қоғозли ва электрон асосда тузиш. Мамлакатимиздаги экологик тарбияга оид илмий адабиётлар ҳамда тадқиқот ишларини тизимлаштириш. Муаммога оид интернет маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш. Бошланғич таълим, умумий таълим ҳамда касб-хунар таълимида фанлараро экологик тарбия бериш тизимини ишлаб чиқиш. Экологик мазмундаги фанлараро дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ташкил қилиш. Ўқувчига экологик тарбия беришга таъсир қилувчи омилларини топиш ва таъбиқ қилиш.

Бир неча минг йиллар мобайнида табиат ва инсон ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда. Инсон табиатнинг бир бўлаги сифатида намоён бўлмоқда. Шу боисдан табиат ва инсон муносабатларини ижобий тус олиниши бугунги даврнинг муҳим вазибаларидан бири ҳисобланади. Мазкур жараён ўз навбатида таълим-тарбия олдида қатор муаммоларни қўймоқда. Хулоса қилиб айтганда узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбияни бериш ўқувчиларнинг экологияга оид билимларини мустаҳкамлашга педагогик шарт-шароит яратиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А Гармонично развитое поколение – основы прогресса Узбекистана. – Т., 1997. стр 7-8.
2. Бухарева Л. Н. Интеграция учебных занятий в начальной школе на краеведческой основе. // Начальная школа. 1991. №8.
3. Калягин Л. Л, Алексинка О. Л. Интеграция школьного обучения // Начальная школа. 1990. №9.
4. Мавлонова Р. А. Бошланғич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси. – Тошкент, 2005. – 109 б.

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ш.Ахмадалиев,

ЎМКХТТКМОУҚТИ, Ўзбекистон

Резюме

В данной статье рассматривается современное состояние повышения квалификации управленческих и педагогических кадров системы среднего специального, профессионального образования и указываются пути повышения эффективности этой системы.

Summary

In this article discussed the ways training of the administration and pedagogical personnel of the system senior secondary vocational education and effective ways of the system.

